

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 13-куни, жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди, Кулибек м.ф.й., биносида, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи суд раиси М.Марахимов, судья ёрдамчиси Ф.Қосимовнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Ўзбекистон туман прокурори ёрдамчиси Д.Усмонова, судланувчи А.Шерматов ва унинг ҳимоячиси “Мир Саид Барака Химоя” адвокатлик фирмаси адвокати Б.Қўлдашев ҳамда жабрланувчи Б.Эгамов, И.Тошқўзиев ва С.Махмудовнинг иштирокида, Шерматов Аббосхон Одиловичга нисбатан 1-1504-2501/288-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Шерматов Аббосхон Одилович (Shermatov Abbosxon Odilovich), 1987 йил 20 июлда Ўзбекистон туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Эсахон Одилов” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон тумани, Дарвешобод маҳалла фуқаролар йиғини, Ўзбекистон кўчаси, 18-уйда яшайди, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нухасини 2025 йил 15 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Шерматов Аббосхон Одилович ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни мақсад қилиб, 2024 йил январь ойида Учкўприк тумани, Сарикқўрғон м.ф.й., Мустақиллик кўчаси, 11-уйда яшовчи фуқаро Тошқўзиев Ихтиёр Воҳобовичнинг яшаш хонадонига келиб, у билан 3 тонна жами нархи 11.500.000 сўмлик минерал ўғитларини сотиб олишга келишиб, сотиб олган минерал ўғитларининг пулларини 2024 йил июнь ойида беришини айтиб, уни алдаб, 3 тонна минерал ўғитларини қўлга киритиб, минерал ўғитларни ўзини шахсий мақсадлари учун ишлатиб, белгиланган муддатда фақатгина 5.300.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини бериб, пулларнинг қолган қисмини бермасдан, И.Тошқўзиевга 6.200.000 сўмлик моддий зиён етказган.

Бундан ташқари, А.Шерматов, ўзгани мулкани такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни мақсад қилиб, 2024 йил февраль ойида фуқаро Махмудов Хайдар Соттихонович билан Ўзбекистон тумани Дарвешобод маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган дала-шийпонида кўришиб, унга



келгусида тарвуз ва шоли экиши учун ўзига тегишли бўлган 3 гектар ер майдонини вақтинчалик фойдаланиб туриши учун 1.100 АҚШ долларига беришини айтиб, уни алдаб, 13.750.000 сўмга тенг бўлган миқдордаги 1.100 АҚШ доллар пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, келишилган ерни унга бермасдан, Х.Махмудовга 13.750.000 сўмга тенг бўлган 1100 АҚШ доллари миқдорида моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, А.Шерматов ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2024 йил май ойида ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни мақсад қилиб, таниши фуқаро Эгамов Баходиржон Улмасович билан Ўзбекистон тумани, Дарвешобод маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган дала-шийпонида кўришиб, унга мева-сабзавот сақлаш учун катта музлатгич кураётгани, музлатгич қурилиши учун 3.500 АҚШ доллар миқдоридаги пул маблағлари зарур бўлиб қолганини айтиб, уни алдаб, ундан 2 ойда қайтариб бериш шarti билан 3.500 АҚШ доллар пулларни олиб белгиланган муддатда қайтариб бермасдан, жиноий йўл билан қўлга киритган пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, Б.Эгамовга 44.240.000 сўмга тенг бўлган 3500 АҚШ доллари миқдорида зарар етказган.

Судланувчи А.Шерматов суд мажлисида ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, 2019 йилдан буён Ўзбекистон тумани Дарвешобод маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Эсахон Одилов” фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаб келгани, 2024 йил март ойида Учкўприк туманида яшовчи таниши Х.Махмудов олдига келгани ва у билан 3 гектар ер майдонини 1.100 АҚШ долларига ижарага куз фаслигача фойдаланиш учун беришга келишгани, ўша ерни ўзида Х.Махмудов 1.100 АҚШ доллар купюрадаги пулларни санаб бергани, лекин Х.Махмудовга ер қилиб бера олмагани, 2024 йил май ойида таниши Б.Эгамовдан тадбиркорлик лойиҳасига шерик қилиб олишини айтиб, ундан жами 3.500 АҚШ доллари пуллар бергани, лекин оойиҳаси амалга ошмагани, 2024 йил январь ойида Учкўприк туманида яшовчи таниши орқали унинг жияни И.Тошқўзиевни уйига боргани, унга 2024 йил июнь ойида пулларини бериш шarti билан 3 тонна минерал ўғитни 11.500.000 сўмга сотиб олгани, лекин дехқончилик яхши бўлмай айtilган вақтида пулларни бера олмагани, шундан кейин куз ойида 5.300.000 сўм пулларни И.Тошқўзиевни тоғасига бериб келгани, қолган 6.200.000 сўм миқдоридаги пулларни эса бермагани, ҳозирда етказилган зарарларни ИИБ депозит ҳисоб рақамига тўлагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан ўзига нисбатан енгиллик берилишини сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи А.Шерматов ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан:

- жабрланувчи Б.Эгамовнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил март ойида танишларидан Ўзбекистон тумани Дарвешобод қишлоғида яшовчи фермер А.Шерматовни ерни дехқончилик қилиш учун ижарага бериши ҳақида эшитиб, уни яшаш хонадонига бориб, унга ижарага ер сотиб олиши кераклигини айтиб, ерни гектарини 7 миллион сўмдан келишиб 5 гектар ерини 34.000.000 сўмга ижарага олгани, кейин май ойида А.Шерматов музлатгич кураётганини айтиб, узоғи 2 ойда қайтариш шarti билан 3.000 АҚШ доллари



сўрагани, кейин унга кариндошларидан 3.000 АҚШ доллар пулларни топиб бергани, А.Шерматов агар пулни белгиланган вақтда бера олмаса Дарвешобод қишлоғидага мева боғини беришини айтгани, орадан яна бир ҳафта ўтиб А.Шерматовга яна 500 АҚШ доллари бергани, шундан кейин А.Шерматов олган пуллари қайтариб бермагани, сўнгра уни устидан ИИБга ариза бергани, тергов даврида А.Шерматов унга етказилган зарарни депозит ҳисоб рақамига тўлагани, шу сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

- жабрланувчи И.Тошқўзиевнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил январь ойида тоғасини таниши кейинчалик таниган Ўзбекистон туманида яшовчи А.Шерматов келиб хозир кластер томонидан минерал ўғит берилмай қўйгани, шу боисдан унга минерал ўғит бериб туришини, буғдойни ўриши билан пулини олиб келиб беришини айтгани, шунда унга ўзини боғига солиш учун олиб қўйган ўғитларидан 11.500.000 сўмлик 3 тонна минерал ўғитни бергани, у билан бирга келган А.Йигиталиев 4 тонна 15.200.000 сўмлик минерал ўғит олиб кетгани, шундан кейин ёз фасли келиб, уларга телефон қилиб ўғитни пулини сўрагани, аммо улар пулни қилиб бермагани, кейин 2024 йил август ойида А.Шерматов тоғасига 5.300.000 сўм пул бериб кетгани, лекин А.Шерматов қолган 6.200.000 сўм минерал ўғитларни пулини бермасдан алдаб қочиб юргани, кейин уни устидан ИИБга ариза бергани, тергов даврида А.Шерматовни етказилган зарарни депозит ҳисоб рақамига тўлагани ҳақида билгани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

- жабрланувчи С.Махмудовнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам дадаси Х.Махмудов 2024 йил март ойларида Ўзбекистон тумани Дарвешобод қишлоғида яшовчи “Эсахон Одилов” фермер хўжалиги раҳбари А.Шерматовга ижара фойдаланишга 3 гектар ер учун 1.100 АҚШ доллар пулларни бергани, кейин дадаси бу ерларни яхшилаб ўрганиб сув масаласи жуда қийин бўлганлиги учун дехқончилик қилиш режасидан қайтгани, кейин дадаси А.Шерматовдан пулларни беришини, бошқа жойдан ер сотиб олиб дехқончилик қилишини айтганида А.Шерматов хозир олдида пули йўқлиги пулларни ёз ойларида ўрталарига қайтариб беришини айтгани, кейин дадаси А.Шерматов айтган муддатни кутиб июль ойи охирида бориб пулларни сўрагани, лекин А.Шерматов пуллари бермасдан келгани, кейин уни устидан ИИБга ариза беришгани, тергов даврида А.Шерматов етказилган зарарни депозит ҳисоб рақамига тўлагани ҳақида билгани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

- гувоҳ Ё.Умарқуловнинг суддаги, 2023 йил январь ойларида синфдоши Х.Махмудов дехқончилик қилмоқчи экани, шунинг учун ер кераклигини айтгани, шундан кейин танишлари орқали Ўзбекистон туманида яшовчи А.Шерматовни топиб, ушбу масалада гаплашиш учун олдида борганлари, шунда Х.Махмудов А.Шерматов билан 3 гектар ерни 1.100 АҚШ доллари эвазига боғдорчилик учун ажратилган ерини Х.Махмудовга кеч кузга қадар ижарага беришини айтгани, орадан 10 кун ўтиб Х.Махмудов А.Шерматовга 1.100 АҚШ доллари бергани, кейин Х.Махмудов ўзини таниш дехқонлари билан бу ердаги дехқончилик масаласида суриштирганида, Дарвешободда сув қийин эканлигини айтишгани, шундан сўнг Х.Махмудов бу ерда дехқончилик қилиш режасидан қайтгани, кейин Х.Махмудов А.Шерматовдан пулларни



беришини бошқа жойдан ер сотиб олиб дехқончилик қилишни айтганида А.Шерматов пули йўқлиги айтиб қайтариб бермагани ҳақидаги кўрсатувлари;

- судда тарафларнинг розилиги билан кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Н.Мамажоновнинг терговдаги кўрсатувлари ҳамда иш бўйича тўпланган ва судда текширилган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топади.

Суд, судланувчи А.Шерматовни жабрланувчи И.Тошқўзиёвни алдаб, уни 6.200.000 сўмлик минерал ўғитларини, такроран Х.Махмудовни жами 13.750.000 сўмга тенг бўлган 1100 АҚШ долларини ва такроран Б.Эгамовни 44.240.000 сўмга тенг бўлган 3500 АҚШ доллари фирибгарлик йўли билан қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

- 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандида, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, мазкур қонун ва қарор талабларига риоя қилиб, судланувчи Шерматов Аббосхон Одиловичга жазо тайинлашда, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганининг ва етказилган зарар қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, унга нисбатан у айбланган модда санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ҳамда етказилган зарарни ундиришда 1 АҚШ долларини ҳукм чиқариш кунда амалда бўлган марказий банк курси бўйича ундиришни (1 АҚШ доллари 12.099.18 тийин) лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд



Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Шерматов Аббосхон Одилович (Shermatov Abbosxon Odilovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида кўрсатилган жиноятни содир этишда айбли деб топилсин.

А.Шерматовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

А.Шерматовнинг 2025 йил 31 октябрдан 2025 йил 13 ноябрга қадар қамоқда сақланган 14 кунни ЖКнинг 62-моддаси тартибида тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегирилиб, ўташ учун 1 (бир) йил 10 (ўн) ой 18 (ўн саккиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо, уни ижросини назорат этувчи Ўзбекистон туман ИИБ томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатирилсин.

Жазо ўташ муддати судланувчи жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Ўзбекистон туман ИИБ Пробация бўлинмасига юклатилсин.

А.Шерматовга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи А.Шерматов томонидан иш бўйича етказилган зарарни қоплаш учун Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақами топширилган 58.846.000 сўм пул маблағларидан жабрланувчи Х.Махмудовни вакили С.Махмудов фойдасига 13.309.098 сўм (1 АҚШ доллари 2026 йил 13 январь ҳолатига 12.099.18 сўм) Б.Эгамов фойдасига 42.347.130 сўм, депозит ҳисоб рақамида қолган 3.189.772 сўм ва А.Шерматов томонидан гаров учун тўланган 8.500.000 сўмдан 3.010.228 сўм жабрланувчи И.Тошқўзиевга ўтказилсин.

Иш бўйича гаров учун тўланган 8.500.000 сўмдан зарар учун ўтказилганидан қолган 5.489.772 сўм пул маблағлари гаровга қўювчи А.Шерматовга қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Фарғона вилоят судига протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эга.

Раислик қилувчи

М.Марахимов



Маъсул судья: Марахимов Музаффаржон Мирзарахмонович



Хужжат имзоланган: Марахимов Музаффаржон Мирзарахмонович, 30.01.2026

